

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМОНОВ ФАРРУХ НАСИРДИНОВИЧ**

**РАЦИОНАЛЛИКНИНГ ЭПИСТЕМОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**09.00.01- Онтология, гносеология ва мантик**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам  
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Усмонов Фаррух Насирдинович**

Рационалликнинг эпистемологик асослари..... 5

**Usmonov Farrukh Nasirdinovich**

Epistemological foundations of rationality..... 5

**Усмонов Фаррух Насирдинович**

Эпистемологические основы рациональности..... 5

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of publications

Список опубликованных работ ..... 35

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМОНОВ ФАРРУХ НАСИРДИНОВИЧ**

**РАЦИОНАЛЛИКНИНГ ЭПИСТЕМОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**09.00.01- Онтология, гносеология ва мантиқ**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal17 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Абдуллаева Маҳбуба Нуруллаевна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қўшоқов Шухрат Солиевич**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Давронов Зиёдулла Давронович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, фалс.ф.д., профессор

**А.А.Азизкулов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, фалс.ф.н.

**С.А.Чориев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, фалс.ф.д., доц.

## **КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборотлашган жамият тараққиёти информацион технологиялар ҳамда сунъий интеллект мантиғи бўлган рационаллик имкониятларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги замон эпистемологиясида ночизикли ва креатив тафаккурнинг намоён бўлишида рационалликнинг хусусиятларини ўрганиш зарурияти келиб чиқади. Шунинг учун ҳам рационаллик муаммоларини тадқиқ этишнинг долзарблиги барча даврларга нисбатан XXI асрга келиб янада кучайди.

Жаҳонда фалсафий тадқиқотларнинг таркибий қисми бўлган мазкур тадқиқотда рационаллик ва унинг имкониятлари ҳозирги замон эпистемологияси нуқтаи назаридан ўрганилди. Мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг йўналиши ҳамда ечими рационалликнинг имконияти ва чегараси билан боғлиқ. Мазкур диссертацияда рационалликнинг эволюцияси, унинг инсоният тараққиётидаги аҳамияти ҳамда эпистемологик асослари оптимал равишда тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг қўлга киритилиши ва шу асосда демократик тараққиётнинг ижтимоий-назарий негизи бўлган “Ўзбек модели” ҳам рационал ёндашувнинг ҳосиласидир. Ҳозирги барқарор ижтимоий ривожланишда “Тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз”<sup>1</sup>. Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятида юқори тараққиёт даражасига кўтарилишининг асоси бўлган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ишлаб чиқилган тамойилларнинг рационал мантиғи мазкур тадқиқотда батафсил ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ – 406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг “1.2. Давлат бошқарувини тизимли ислоҳ қилиш”, “4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш”, “4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” бандлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли Қарори ва “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги 2017 йил 28 июлдаги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б.5.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсоннинг билиш ва амалий фаолияти одатда рационаллик билан боғланади. Рационаллик, ақл муаммоси билан дастлаб Қадимги Юнон қомусий олимлари, кейинчалик Шарқ ва Ғарб алломалари қизиқишган. Шарқ фалсафасида IX-XII асрларда Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, XVI-XIX асрларда Ғарб олимларидан Р.Декарт, Ф.Бэкон, Б.Спиноза, Г.Лейбниц, И.Кант, В.Гегел, XX аср фалсафасида М.Вебер, К.Поппер, И.Лакатос, Т.Кун, Ф.Роузентал каби алломалар ижодида рационаллик алоҳида ўринга эга.

Юртимизда рационаллик муаммосини тадқиқ этишда ўзбек олимлари акад. И.М.Мўминов, акад. М.М.Хайруллаев ва проф. О.Ф.Файзуллаевлар ҳалқимиз маънавий меросини рационал тадқиқ этишдан бошлаган бўлса, ҳозирги кунда рационаллик ва эпистемология муаммолари М.Н.Абдуллаева, Б.О.Тураев, Б.Р.Каримов, Ш.С.Қўшоқов, З.Д.Давронов, Н.А.Шермухаммедова, К.Ж.Туленова, С.М.Арифханова, Г.Х.Расулева, А.А.Азизкуловларнинг илмий ишларида кенг миқёсда таҳлил этилганлигини кузатамиз. Аммо рационаллик эволюцияси, креатив тафаккурнинг намоён бўлиш механизмлари, ночизиқли тафаккур ва унинг рационаллик билан муносабати масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Хорижлик олимлардан В.С.Швырев, Н.С.Автономова, В.Н.Порус, А.С.Богомоллов ва бошқа олимлар томонидан рационаллик тафаккур фаолиятининг асосий қадрияти сифатида бу мавзуга бир мунча яқин келишган. Бизнинг тадқиқот эса рационаллик эволюциясини эпистемологик жиҳатдан яхлит тизим сифатида ўрганишга йўл очади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа илмий маркази “Онтология ва билиш назарияси” бўлимининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рационаллик эволюциясининг хусусиятлари ва унинг эпистемологияга таъсирини очиб бериш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

рационалликнинг билиш жараёнида тутган ўрни, имкониятлари ва чегараларини кўрсатиш;

рационаллик ва эпистемологиянинг ўзаро таъсирини ва рационаллик эволюциясининг фан ривожланишидаги ўрнини ёритиш;

ижтимоий жараёнларда рационалликнинг етакчилик ролини очиб бериш;

ривожланишнинг “ўзбек модели” ва “Ҳаракатлар стратегияси” асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг рационал мантиғини ёритиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** рационалликнинг эволюцияси.

**Тадқиқотнинг предмети** рационаллик эволюциясининг эпистемологик асосларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда синергетик, диалектик, тизимли ёндашув, тарихийлик ва мантикийликнинг бирлиги, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тарихий даврлар бўйича рационаллик чегараларининг кенгайиб бориши эпистемология эволюциясининг асоси бўлганлиги исботлаб берилган;

ночизиқли тафаккурнинг ортга қайтмаслик, келажакнинг бугунга таъсири каби хусусиятларида рационалликнинг амал қилиши очиб берилган;

ночизиқли тафаккурнинг намоён бўлишида рационаллик ва нораціоналликнинг узвийлиги (узлуксиз боғланганлиги) очиб берилган;

рационалликнинг оддий, мураккаб ва ўта мураккаб тизимлардаги детерминалланган ва детерминалланмаган тафаккурдаги аҳамияти очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

турли даврларда рационаллик шакллари ўзгариб боришининг сабаблари, чегара ва имкониятлари ёритиб берилган;

креатив тафаккурда рационалликнинг амал қилиши, яъни тезлик билан қарор қабул қилиш, эгилувчанлик, оригиналлик, зийраклик, абстрактлик каби меъзонлари ишлаб чиқилган;

рационалликнинг тарихан ўзгариб, ривожланиб бориши эпистемология соҳаларининг кенгайишига сабаб бўлганлиги илмий асосланган;

ночизиқли ва креатив тафаккурнинг намоён бўлишида рационалликнинг хусусиятлари кўрсатиб берилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшларда креатив тафаккурни ривожлантиришда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятидан республикамиз олимлари ва мутахассисларининг эпистемология, гносеология ва мантикқа оид ҳамда ёшларнинг креатив тафаккурлаш қобилиятини такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан таъкидланади.

Диссертациянинг хулосалари ва тавсияларидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Фалсафа”, “Мантиқ”, “Илмий тадқиқот методологияси”, “Фанларнинг фалсафий масалалари”, “Билиш фалсафаси”, “Фан фалсафаси ва методологияси”, “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш стратегияси” каби фанларни ўқитиш жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий илмий билишда рационалликнинг эпистемологик асослари муаммосини фалсафий-методологик таҳлил этиш натижасида:

тадқиқот натижаларининг қўлланилиши мураккаб тизим ва жараёнларни тадқиқ этишда рационалликнинг амал қилиш доираси, ўзига хос жиҳатларини фалсафий-методологик нуқтаи назардан ўрганиш имконини беради (Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 29 ноябрдаги ФТА-02-11/1208-сон маълумотномаси);

рационалликнинг имкониятлари, креатив тафаккур қобилияти ва унинг кўринишлари, эпистемология ва унда рационаллик эволюцияси, ночизиқли тафаккур категориялари ва тушунчалари “Эпистемологиянинг замонавий муаммолари” номли олий ўқув юртлари учун мўлжалланган ўқув қўлланма (1-2 китоблардан иборат, Тошкент, 2012)да батафсил изоҳлаб берилган. Ўқув қўлланма мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотларда назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин;

мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган тарғибот ишларида, рационал ва креатив фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш борасидаги тадбирларда фойдаланилди (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят кенгашининг 2017 йил 28 ноябрдаги 02-06/343-сонли далолатномаси);

жамиятимизда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотлар рационалликка асосланиши, мақсадни рационал тарзда қўйиш ва унга эришиш йўллари ҳамда фуқароларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мазкур диссертацияда ишлаб чиқилган ғоялардан фойдаланилаётганлиги ушбу ишнинг амалий аҳамиятга эгалигини кўрсатади (Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Самарқанд вилоят кенгашининг 2017 йил 29 ноябрдаги 1/622 сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 72 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма (жамоавий), 2 та жамоавий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, 12 та республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация Кириш, уч боб (олти қисм), Хулоса ҳамда Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 136 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предметлари шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати нашр этилган.

**«Рационалликнинг фалсафий таҳлили»** деб номланган **биринчи боб**да рационаллик тушунчаси, моҳияти, унинг билиш жараёнида тутган ўрни ва имкониятлари, креатив тафаккурнинг ривожланишида рационалликнинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Фалсафада рационаллик муаммоси энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу муаммо файласуфлар, социологлар, фаншунос олимлар томонидан ҳозирги кунда ҳам фаол муҳокама қилинмоқда. Билиш жараёнининг тузилиши, билим шаклланишида рационаллик яхлит мураккаб тизим ва муайян структурага эга. Унда билиш тизими, ўз навбатида, инсоннинг амалий фаолиятига ҳам мансубдир.

Антик давр файласуфларидан Сукрот, Афлотун, Эпикур, Гераклит ва Парменид ақлни бевосита олий асосни идрок қиладиган омил эканлигини айтиб ўтади.

Мусулмон Шарқ фалсафасида ҳам ақл ва унинг моҳияти, инсон фаолиятидаги аҳамияти қомусий алломалар диққат марказида бўлган. Форобий, Ибн Сино, Беруний каби мутафаккир алломаларимиз тадқиқотларида ақл ва унинг моҳияти, эътиқод билан муносабати ҳамда инсон фаолиятидаги аҳамияти ҳақидаги маълумотлари республикамиз алломалари томонидан кенг тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Шарқнинг буюк алломаси Беруний таълимотида рационалликнинг аҳамиятига тўхталиб, И.Мўминов шундай дейди: “Абу Райҳон Беруний табиат ҳодисаларини билишда мантиқий хулосалар ва таққосларнинг зўр аҳамиятини алоҳида таъкидлайди”<sup>2</sup>. Беруний илмий тадқиқот жараёнида қўллаган рационал усуллардан кузатиш, кўриш, тажриба, мантиқий умумлаштириш, маълумот йиғиш, оғзаки ривоятлар, ёзма ёдгорликларни ўрганиш, маълумот ва манбаларга танқидий муносабатда бўлиш, ҳақиқатга эришиш учун уларни бир-бирига таққослаш ҳозир ҳам илмий тадқиқотларда ўз аҳамиятини йўқотмаган.

<sup>1</sup> Мўминов И. Ўзбекистонда табиий илмий ва ижтимоий фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1999; Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т.: Ўзбекистон, 1971; Хайруллаев М. Фаробий ва унинг фалсафий рисоалари. – Т., 1963; Файзуллаев О. Фалсафа ва фан методологияси. – Т., 2006; Носиров Р. Абу Али Ибн Синонинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашлари. – Т., 2009; Беруний ва ижтимоий фанлар. – Т.: Фан, 1973; Арифханова С.М., Расулева Г.Х., Абдуллаева М.Н. Мусулмон фалсафасида рационализм ва билим муаммолари. – Т., 2011.

<sup>2</sup> Мўминов И.М. Ўзбекистонда табиий илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Т.: Фан, 1999. – Б.27.

Мутафаккир Бедил илмий меросида рационаллик, хусусан ақлнинг аҳамияти марказий ўринда турган. Бедил инсон билишини ташқи ҳис, сезги билан чегараламайди, балки ақлнинг аҳамиятини батафсил кўрсатиб беради. У ҳислар орқали объектдан олинган сезгилар зехнда сақланиб, онг (ақл) ойнасида аниқланади деб айтади. Бедил ўз замонасининг шароитларига бўйин эгди, бу масалада мутакаллимларни танқид қилади ва “Ақлсиз имон худди ойнасиз жавоҳирдай асоссиз (мавҳуми) йўқ нақшдир ва ақлсиз ҳаё худди манбаи бўлмаган сув каби маъдум-йўқликдир”<sup>1</sup>, – дейди.

Ғарбий Европада Уйғониш ва Янги давр файласуфларининг тадқиқотларида ақл ва эътиқод категорияларининг ўзаро муносабати, тажрибавий билишда ақлнинг аҳамиятига катта эътибор берадилар. XVII-XVIII асрларда ақл тартибот ҳамда башорат асоси эканлиги яққол намоён бўлади. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида рационалликнинг янги даврига ўтиши билан олдинги даврдаги рационалликнинг чегараланган томонларини кўрина боради. Бу даврда билиш субъекти моддий оламдан узилиб қолган эмас, балки унинг ичида жойлашган деган нуқтаи-назардан келиб чиқилди. Оламнинг тузилмалари ва қонуниятлари инсоннинг ақлий фаолияти туфайли очила бошлади. Объектлар инсон фаолиятининг таркибий қисми бўлгандагина, биз уларнинг асл моҳиятини очиб берувчи алоқаларни билишимиз мумкин деган фикрлар олға сурилди. Унда илмий билишнинг муҳим хусусияти олам тузилмаси бирлигини англаб етишнинг янги йўллари излаб топиш ҳамда у ёки бу бирёқлама ёндашувлардан ҳоли бўлишга интилишдан иборат бўлади.

Инсон дунёни ва ўзини билиш билан чекланмай, балки билиш натижасида ҳосил қилинган билимлари орқали табиат ва жамиятни, ўзини, ўз онгини, маънавий дунёсини, атрофидаги ўзгариш ва ривожланишларни ўзлаштиради ҳамда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Бундай ўзгариш ва ўзгартиришлар асосида рационал ва креатив тафаккур ётади. Янги билимлар яралишида рационаллик билан бирга креатив тафаккурнинг аҳамияти муҳим. Креатив – бу бирор янги нарсани рўёбга чиқариш қобилияти. Муаммонинг янги ечимини топиш, янги усуллар яратиш ёки янги санъат асарларини ижод қилиш. Креатив тафаккур фикрлашнинг бошқа шаклларида юксак интеллектга таяниши ва муаммоларнинг рационал ечимини топиши билан фарқланади. Лекин у тез-тез интуиция билан иш кўриб нораціоналликка ҳам имконият беради. Шунинг учун ҳам креатив тафаккурда дивергент ва конвергент тафаккурларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Креатив тафаккурнинг ривожланиши кўп ҳолларда тасаввурга, таълим ва ўйин технологияларига боғлиқ.

Креативликни ўрганиб, таҳлил қилиш жараёнида турли меъзонларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Улар қуйидагилардир:

- тезлик – кўп ғояларни бир вақтда вужудга келтириш;
- эгилувчанлик – муаммоларнинг ечимини топишда турли хил стратегияларни қўллаш қобилияти;

<sup>1</sup> Мўминов И.М. Танланган асарлар. Т.1. – Т., 1969. – Б.94.

- оригиналлик – ностандарт ўзига хос ғояларни яратиш;
- ишланганлик – вужудга келган ғояларга алоҳида-алоҳида ишлов бериш;
- зийраклик – муаммолар ечимини топишда қабул қилинадиган турли хил маълумотларга зийрак бўлиш;
- абстракт – муаммонинг мағзини тушуниш.

Креатив тафаккурнинг ривожланиши ХХІ аср фалсафасининг шаклланиш жараёнига табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанларда содир бўлаётган туб парадигмал ўзгаришлар муҳим назарий, концептуал ва методологик таъсир кўрсатмоқда. Фанларда юз бераётган постноклассик янгиланишлар ҳозирги замон фалсафий ва илмий дунёқараш таркиби ва мазмунини ҳам ўзгартиради. Инсоният ахборотлаштирилган ва компьютерлаштирилган, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тузилмалардан иборат бўлган постиндустриал цивилизация маконига кириб келди. Бу цивилизация ўтган асрда жамланган барча креатив потенциалларни ишга солиб, маълум жиҳатдан инқилобий бўлган постноклассик маданият, фан ва технологияга асосланган инновацион оламни шакллантирмоқда.

Диссертациянинг «**Рационалликнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган иккинчи бобида рационалликнинг эпистемологик эволюцияси, чизикли ва ночизикли тафаккурда рационаллик таҳлил этилган.

ХХІ асрга келиб фан-техника, технологияларда эришилаётган ютуқлар ва илмий кашфиётларга бўлган эҳтиёж умумбашарий миқёсда ортмоқда. Лекин тарихга назар ташлаганимизда замонавий дунёнинг янги қирраларини ўрганиш учун янги метод, тамойил, йўналиш ва ёндашувлар лозимлигига гувоҳ бўламиз. Бу даврларнинг муҳим жиҳатлардан бири, ижтимоий-сиёсий ислохотлар, маънавий янгиланишлар шароитида фалсафий тафаккур эпистемологик муаммоларига эътибор кучайиб боришида кўринади. Натижада, эпистемология инсон онги, тафаккури, билиш жараёнида билимларнинг ҳосил бўлиши, амалиётга татбиқ этишга алоқадор фалсафа соҳаси сифатида вужудга келади. И.П.Меркулов эпистемологияни анъанавий тадқиқот соҳаси ҳисоблаб, билишнинг табиати, эволюцияси ва илдизлари, воқеликка муносабати ва ҳақиқатлиги каби муаммолар унинг предметини ташкил этади<sup>1</sup>, деган фикрни қайд этади.

Ҳозирги замон эпистемологияси илмий билишнинг табиатини, унинг генезисини, тарихини ва ҳозирги ҳолатини, илмий билишнинг ҳаққонийлиги асослари ва мезонларини ўрганади. Эпистемология, ўз навбатида, рационаллик билан бевосита боғланган бўлиб, рационаллик натижасида эпистемология ўзгаради ва ривожланади. Эпистемология рационалликнинг бир кўриниши бўлиб, рационаллик чегараларининг кенгайиб бориши эпистемология эволюциясининг асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун рационаллик эволюцияси эпистемологиянинг ҳам эволюциясига сабаб бўлади.

Инсон тафаккури чизикли ва ночизикли тарзда бўлиб, рационаллик билан боғлиқдир.

<sup>1</sup> См.: Меркулов И.П. Эпистемология. Т.1. – М., 2003. – С.3-9.

Биз чизикли тафаккурга одатланиб қолганмиз. Чизикли тафаккурни детерминизм нуқтаи назаридан кўриб, таҳлил қилиш мумкин. Детерминистик ёндашувда ноаниқликни рад этиб, тизимнинг кейинги жиҳатини аниқлаши мумкин. Ночизикли тафаккур – билиш жараёнининг компонентларидан бири ҳисобланиб, тафаккур йўналишининг кўп вариантлилиги билан характерланади. Билишда тизим табиатини ягона қатъий аксиомалар тизими, қонунларда адекватли акс эттириб бўлмаслиги билан ифодаланади. Ночизикли тафаккур чизикли рационалликни чегаралай олмайди. Чизикли тафаккурда инсон келажакда нима қилишни олдиндан режалаштиради, ноқизикли тафаккурда эса вариантларнинг қайсидир бирида зудлик билан тўхталади.

Чизикли тафаккур фақат рационаллик билан нарса ва ҳодисаларнинг маъқул ва маълум томонлари, хоссалари устида фикр юритади. Тизимдаги рационалликка бўйсинмайдиган номаълум томонлар тафаккурдан четлаштирилади. Аниқроқ айтганда, тизимда бўладиган беқарорлик, хаотик ҳолатларга эътибор қилинмайди. Тизимга таъсирларнинг роли ҳисобга олинмайди. Ночизикли тафаккурда тизимга таъсир этувчи кичик таъсирлар ҳам эътибордан четлаштирилмайди. Сабаби, тизим флуктуациялардан ҳам таъсирланади. Кичик флуктуациялар таъсири, ҳатто, бутун тизим структурасини тубдан ўзгартириши мумкин.

Рационалликнинг оддий, мураккаб ва ўта мураккаб тизимлардаги детерминалланган ва детерминалланмаган тафаккурнинг нуқтаи назардан қараб қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

- оддий тизимларга детерминалланган тафаккурга деразанинг зулфи, билирд шарри (худди абстракт система сингари) кабилар мисол бўлса, детерминалланмаган тафаккурга танга ташламоқ, медуза (бутунлай биохимик мазмунга эгалиги сабабли ўта мураккаб организм) кабиларни олиш мумкин;
- мураккаб тизимлардаги детерминалланган тафаккурга аниқ алгоритмга асосланган ЭҲМларни мисол бўлса, детерминалланмаган тафаккурга шартли рефлексия каби мураккаб физиологик ҳодисаларни келтириш мумкин;
- ўта мураккаб тизимларда детерминалланган тафаккур фаолияти суст бўлиб, детерминалланмаган тафаккур эса ўз фаолиятини давом эттиради. Унга давлат иқтисодиёти жараёни ёки инсон мияси фаолияти каби мисолларни келтириш мумкин.

Ҳозирги кунга келиб, янги номувозанатли жараёнлар физикаси фани пайдо бўлди. Бу физика фани вақтнинг йўналиши эффектларини ифодалайди ва "ортга қайтмаслик" терминини янгидан талқин қилишга имкон яратади. Ўтмишда вақт ўқи феномени физикада диффузия ва эгилувчанлик каби жараёнлар мисолида ўрганиларди. Буларни тушуниш учун перцептуал вақт доирасида мулоҳаза юритиларди. Ҳозир биз биламизки, ортга қайтмаслик жараёни "қора туйнук" уюрмаларининг пайдо бўлиши, кимёвий тебранишлар ва лазерли нурланиш каби кўплаб ҳодисаларда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бири вақт ўқининг ортга қайтмаслигини тасвирлаб беради. Ортга қайтмасликни "аниқ кўриш" ёки "туюлиш" билан тенглаштиришнинг

имконияти йўқолди. Ҳозир ортга қайтмаслик миллиардлаб заррачаларни ўз ичига оладиган эффектларга ва когерентликка олиб келади. Аниқроқ айтганда, модда мувозанат ҳолатида вақт ўқиға эға бўлмаса, у "кўр" ҳисобланади, агарда вақт ўқиға эға бўлса, у "кўриш" қобилиятиға эғадир. Ортга қайтмаслик номувозанатли жараёнлар билан боғлиқ бўлган яъни когерентликсиз Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам вақт ўқининг "фақат феноменологик", ёки субъектив характерга эға деб таъкидлаш абсурддир<sup>1</sup>. Шу билан бир қаторда ночизиқли "тафаккур келажакнинг бугунга таъсири" ҳамда "тарихнинг сўниши" каби ғояларнинг вужудлға келишиға сабаб бўлмоқда. Бу эса ҳозирда янги кўринишдаги рационалликни шакллантириш, чизиқли ва ночизиқли жараёнларда рационалликнинг ўрни масалаларини ҳал этиш долзарб вазифалардан биридир.

Диссертациянинг **«Ижтимоий ислохотларни амалға оширишда рационалликнинг ўрни ва аҳамияти»** деб номланган учинчи бобида "Ўзбек модели" ва "Ҳаракатлар стратегияси" жамият таракқиётининг рационал асоси ҳамда ижтимоий жараёнларда рационалликнинг ўрни ва аҳамияти масалалари таҳлил этилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий шароитларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов рационалликка асосланган ривожланишнинг "Ўзбек модели"ни тақлиф этган эди. Ривожланишнинг "Ўзбек модели" асосини ташкил этувчи тамойиллар ва нормаларнинг тўғрилигини вақт кўрсатди. Таракқиётнинг "Ўзбек модели" қотиб қолган статик тушунча эмас, албатта. Унинг характери ва шакл-шамойилини белгилайдиган асосий тамойиллар сақланиб қолган ҳолда доимо янги вазифа ва қоидалар билан бойитилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Ўзбек модели"нинг мантиқий давоми сифатида "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларға мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси" ишлаб чиқилди. "Ҳаракатлар стратегия"си ҳам беш босқичда амалға оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича давлат дастурлари қабул қилиниши ва амалға оширилиши назарда тутилган. "Ҳаракатлар стратегияси"нинг устувор йўналишлари ишда тадқиқ қилинди.

Юртимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан эътиборан, унинг изчил ва шунинг билан бир қаторда, ўзига хос ва мос демократиялашиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ўзининг ҳаётий исботини топмоқда. Барча соҳаларда халқнинг мутлақ суверенитети тамойили қарор топиши ва ниҳоят, уларнинг барчаси ижтимоий жараёнларда қайси миллат ёки конфессияға мансублигидан қатъий назар, уларнинг демократик жараёнларда фаол иштирокини тақозо этиши чуқур ҳис этилмоқда.

---

<sup>1</sup> См.: Пригожин И. Конец определенности. Время, хаос и новые законы природы. – М.: Ижевск, 1999. – С.10-11.

XXI асрга келиб рационалликнинг илгарилаб бориши, фан-техниканинг ривожланиши, янгича техника ва технологияларнинг вужудга келиши жамиятдаги жараёнларнинг глобаллашувига олиб келди. Ижтимоий онг шаклларида бири сифатида ғояларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, улар нанотехнологияларга ўхшайди. Трансгуманизмнинг пайдо бўлиши тўғридан-тўғри турли технологияларни таклиф қила бошлади, шулардан бири нанотехнологиялардир. Трансгуманизм интеллектуал ва маданий ҳаракат сифатида инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятини кучайтириш, инсон ҳаётини яхшилаш тарафдори ҳисобланади.

Ҳар қандай жамият ривожланишида рационаллик асосий ўринни эгаллар экан, баъзи ҳолларда, у ҳам жамият олдига каттадан-катта муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиб қолмоқда. Шундай экан, “Ижтимоий борликда икки қарама-қарши бўлган бир хил аҳамиятли ечимлар ёки ечимга эга бўлган зиддиятлар мавжуд. Бироқ бундай вазиятлардан бизларни инсонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари олиб чиқиши мумкин”<sup>1</sup>. Ақл нуридан баҳрамандлиги туфайли ҳам инсон жамият ва давлатни бошқариши, шу ўринда, турли ғоялар томонидан бошқарилиши мумкин. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни маданият, жамият кадриятлари билан боғлиқ, улар эса ижтимоий муҳитда мавжуд бўлади. Маданий меросимизда ифодаланган бунёдкор ғоялар ҳамда ҳозирги давр фани ютуқларидан фойдаланган ҳолда, бизнинг ижтимоий муҳитимиз, мамлакатда демократик ўзгаришларни юзага келтиришга ёрдам берувчи фуқаролик жамияти қуриш мақсади сари тараққий этмоқда. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бағрикенглик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, эзгулик каби кадриятларга ва албатта, рационалликка асосланади. Рационалликнинг имкониятларига тўғри баҳо бериш, илмий башоратларга таяниб ҳаракатланиш жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

---

<sup>1</sup>Хакен Г. Тайны природы. Синергетика: наука о взаимодействии. – М.: Ижевск, 2003.–С.131.

## ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Фалсафа ва фанда рационаллик қадим даврлардан ўрганилиб келинаётганлигини ҳисобга олиб, гносеологик, эпистемологик ва методологик жиҳатларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни айтишимиз мумкин: бизнинг фикримизча, рационаллик – мақсадга мувофиқ режали ҳаракат.

Инсон билиш фаолиятида тафаккурнинг рационалликдан бошқа турлари ҳам иштирок этади. Бироқ рационаллик нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, ички механизмини билиш имконини беради. Шундай экан, рационаллик билишнинг бошқа турларига нисбатан ишончлироқ саналади.

2. Фан ва фалсафада турли кашфиётлар, илмий янгиликлар, янги гипотезалар илгари сурилади. Булар инсон ижодкорлигининг, креатив тафаккурининг маҳсулидир. Ижодкорлик рационалликка асосланади. Ижодкор томонидан яратилаётган янгиликлар, аввало, инсон онги назоратида бўлади, бу ҳақида ўйлайди, фикр юритади, мантикий анализ қилади ва ҳаказоларни амалга оширади. Шу тарзда янги ғоя, янги кашфиёт вужудга келади. Баъзи ҳоллардагина нораціонал, ғайришуурий тарзда кашфиёт, янгилик, муаммонинг ечими бўлиши мумкин, лекин буни ижод деб бўлмайди. Ижод жараёни рационал тарзининг аҳамияти катта.

3. Эпистемологик жиҳатдан қараганимизда, илмий билиш тўлалигича рационалликка асосланади. Айрим ҳолларда илмий билиш рационалликка эмас, балки нораціоналликка ҳам асосланиши мумкин. Бундай ҳолларда муаммонинг ечими нораціонал тарзда вужудга келса-да, аммо вазият доимо онг назорати остида бўлганлиги сабабли ногаҳоний тарзда рўй беради. Агарда муаммо ҳақида фикрланмаса, у рационал тарзда муаммо сифатига кўтарилмаса, унда нораціонал ечим ҳам вужудга келмайди. Нораціонал тарзда ечими топилган ва аниқланган нарсалар кейинчалик мантикий йўл билан асослаб берилади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, эпистемологиянинг ривожланишида рационаллик билишнинг бошқа шакллари, яъни ҳиссий ва тажрибавий билишларга нисбатан юқори баҳоланади. Шу қаторда рационаллик билишнинг бу шакллари билан ҳам алоқада бўлади.

4. Рационаллик ҳар бир тарихий даврда турлича тушунилган, баъзида чекланган томонлари кўрсатилган. Шу ўринда унинг ўзгариши эпистемологиянинг эволюциясида намоён бўлган. Лекин шундай бўлишига қарамасдан унинг асосий мазмуни бутунлигича ўзгариб кетгани йўқ. Демак, рационаллик инсонларнинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб келган ва келмоқда. Шундай экан, рационаллик инсоният ривожланиши ва кундалик фаолиятида асосий ўрин эгаллайди.

5. Жамият ва давлат барқарор тараққий этиши, ривожланиши учун турли ислоҳотлар амалга оширилади, қонун ва қарорлар қабул қилинади. Бу ислоҳотларнинг самарадорлиги натижаси оқилона фаолиятга боғлиқдир. Шунинг учун ислоҳотларни ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши рационалликка таянилади.

6. Рационаллик - бу қадриятдир. Чунки инсон ақли ва фаолияти орқали қадриятларни яратади. Яратилган қадриятлар жамиятда ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб уларга амал қилинади. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам ақл ҳукмрон.

Дарҳақиқат, инсоннинг пайдо бўлгандан бошлаб, то ҳозирги кунига қадар рационалликка асосланиб, тараққий этиб келмоқда. Инсоннинг тараққиёти жамият тараққиётини белгилаб беради. Фақат шундагина цивилизациялашган тараққиёт илгарилаб боради.

Замонавий илмий билишда рационалликнинг эпистемологик асослари муаммосини фалсафий-методологик таҳлил этиш натижасида қуйидаги тавсияларни берамиз:

ҳар бир фан соҳаси бўйича илмий фаолият олиб борганда, тадқиқ этилаётган объектга нисбатан рационал тарзда индукция ва дедукция, умумлаштириш ва конкретлаштириш каби методлардан мунтазам фойдаланишни эътиборга олиш лозим;

таълим тизимида қўлланиладиган янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, ёшларда креатив тафаккурни ривожлантириш ва интерфаол усулларни тадбиқ этишда рационалликка асосланган моделлардан фойдаланиш лозим;

мамлакатимизда ёшларнинг ижодий фикрлашини кенгайтириш мақсадида креатив тафаккур марказларини очиш лозим.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ - DSc 27.06.2017.F.02.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УСМОНОВ ФАРРУХ НАСИРДИНОВИЧ**

**ЭПИСТЕМОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЦИОНАЛЬНОСТИ**

**09.00.01- Онтология, гносеология и логика**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2017**

**Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fal17.**

Диссертация выполнена в национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице samdu.uz и на информационном образовательном портале «ZiyoNet»([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кушоков Шухрат Солиевич**  
доктор философских наук, профессор

**Давронов Зиёд Давронович**  
доктор философских наук, профессор

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании Ученого совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самаркандский государственный университет Исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года).

**Б.О.Тураев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.филос.н., профессор

**А.А.Азизкулов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к. филос. н.

**С.А.Чориев**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.филос.н.

## **ВВЕДЕНИЕ**

**(аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Развитие информационного общества в мире требует пересмотра возможностей рациональности, являющейся логикой информационных технологий и искусственного интеллекта. Кроме того проявление нелинейного и креативного мышления в эпистемологии вызывает необходимость изучения свойств рациональности. Именно поэтому актуальность исследования проблем рациональности к XXI веку еще более усилилась по сравнению со всеми предыдущими историческими эпохами.

В данном диссертационном исследовании, являющемся составной частью мировых философских исследований, рациональность и его возможности изучены с точки зрения современной эпистемологии. Направление и решение сложных социально-политических процессов связано с возможностями и пределами рациональности. В данной диссертации оптимально исследованы эволюция, значение в развитии человечества и эпистемологические основы рациональности.

Приобретение независимости нашей страной и “узбекская модель” развития, составляющая социально-теоретическую основу демократического развития в настоящий период, являются производными рационального подхода. В настоящее время в своем стабильном социальном развитии “мы в своей деятельности всегда опираемся на разработанные нашим Первым Президентом стратегические принципы реализации собственной «узбекской модели» развития и создания современной государственности”<sup>1</sup>. В данном исследовании подробно изучена рациональная логика принципов, которые разработаны в “Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах”, являющейся основой для достижения республикой высокого уровня развития в мировом сообществе.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, определенных в законе Республики Узбекистан от 14 сентября 2016 года № ЗРУ-406 «О государственной молодежной политике», в пунктах “1.2. Реформирование системы государственного управления”, “4.4. Развитие сферы образования и науки”, “4.5. Совершенствование государственной молодежной политики” указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 25 августа 2006 года № ПП-451 “О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительской работы” и Постановлении от 28 июля 2017 года № ПП-3160 “О повышении эффективности духовно-просветительской работы и

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. – Ташкент: Ўзбекистон, 2017. – С. 57.

поднятии на новый уровень развития сферы” и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий республики ИДТ-1 “Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, художественно-эстетического воспитания, искусства, материального и нематериального наследия, истории национальной государственности в процессе реформирования и модернизации общества”.

**Степень разработанности проблемы.** Познавательная и практическая деятельность человека обычно связана с рациональностью. Сначала рациональностью, проблемой разума интересовались ученые-энциклопедисты Древней Греции, позднее ученые Востока и Запада. Рациональность занимает особое место в научном творчестве таких ученых, как Абу Наср Фараби, Абу Али Ибн Сина, Абу Райхан Беруни в IX-XII веках на мусульманском Востоке, Р.Декарта, Ф.Бэкона, Б.Спинозы, Г.Лейбница, И.Канта, В.Гегеля в XVI-XIX веках в Западной Европе, М.Вебера, К.Поппера, И.Лакатоса, Т.Куна, Ф.Роузентала в философии XX века.

В отечественной философии исследование проблемы рациональности было начато такими узбекскими учеными, как академик И.М. Муминов, академик М.М. Хайруллаев и профессор О.Ф. Файзуллаев в виде рационального исследования духовного наследия нашего народа. В настоящее время можно наблюдать как широко анализируются проблемы рациональности и эпистемологии в исследованиях М.Н. Абдуллаевой, Б.О.Тураева, Б.Р.Каримова, Ш.С. Кушокова, З.Д.Давронова, Н.А. Шермухаммедовой, К.Ж. Туленовой, С.М. Арифхановой, Г.Х. Расулевой, А.А. Азизкулова. Однако специальному исследованию не были подвергнуты вопросы эволюции рациональности, механизмы проявления креативного мышления, нелинейного мышления и его отношения к рациональности.

